



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 3 февраль, № 22 (6205)

Сешанба

«Ангрен» МИЗ:

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР

саноат тармоқлари равнақида алоҳида аҳамият касб этмоқда

Бугун бугун дунёда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий асоратларига қарамай, юртимизда иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларига эришилаётир. Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этганидек, фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати бу борадаги ютуқларнинг энг муҳим омили бўлмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

Ўтган йили иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсгани, унинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканининг ўзиёқ пухта ўйланган ва узоқни кўзлаб олиб борилган ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Бу ҳақда гап кетганда, Президентимизнинг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони алоҳида тилга олиш жоиз. Нафақат мазкур ҳудуд, балки мамлакатимиз равнақида беқийс ўрин тутётган бу муҳим ҳужжат воҳадаги кўплаб ижтимоий масалаларни ижобий ҳал қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтириш баробарида,

мукамал инфратузилма, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришда янги имкониятлар очмоқда. Индуст-

риал зонада маҳаллий ва хорижий сармоялар кўмағида бир қатор йирик ҳамда истикболли лойиҳалар бирин-кетин рўёбга чиқарилаётгани ана шундан далолат беради.

Этиборлиси, «Ангрен» МИЗ-ни барпо этиш борасидаги кенг қўламли савий-ҳаракатлар нафақат қончилар шахрини, балки қадимдан йирик савдо-сотик маркази, уста-ҳунарманд ва моҳир ишбилармонлар маскани бўлган қўна Охангарон воҳасини янги тараққиёт ҳамда имкониятлар заминига айлантирди. Кейинги йилларда ҳудудда иқтисодиётнинг барча тармоғи-

ни модернизациялаш борасида эътиборга молик ишлар олиб борилаёпти. Бу ерда замонавий қурилиш материаллари, энергетика, машинасозлик, фармацевтика, кимё, озиқ-овқат ва терини қайта ишлаш саноати жадал ривожланаётир. Тоғ-кон саноати равнақида ҳам мислсиз янгиланишлар рўй бермоқда.

Ўтган қисқа даврда махсус индустриал зонада Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Буюк Британия, Болгария каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳам-корликда турли ўлчамдаги мис-

кувурлар, техник кремний, тежамкор лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий қурилиш-пардозлаш материаллари, шунингдек, шакар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фаолият бошлади. Қиймати 166,4 миллион АҚШ долларлик 9 та лойиҳанинг рўёби туфайли бу ерда 1150 дан ортиқ иш ўринлари юзага келди. Мазкур корхоналар томонидан ўтган йили 200,4 миллиард сўмлик истеъмол товарлари тайёрланди, ички ҳамда ташқи бозорда сотилди.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Мирзаобод туманидаги «Guliston gold уаг» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган техник ва технологик янгиланишлар туфайли юқори сифатли калава ип тайёрлашга эришилди.

Сифат ва муваффақият

Ўз навбатида, бу ўзгаришлар корхона маҳсулотларини тўлиқ экспорт қилиш имкониятини ҳам яратди.

— Мазкур жамият бир йилда икки минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга, — дейди туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими бошлиғи Жаҳонгир Ҳасанов. — Айтиш лозимки, туманимизда ана шундай илғор технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш субъектлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили саноат йўналишида ўндан зиёд янги лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. Шунингдек, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳам кўплаб тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. Бунинг натижасида туманимиз бўйича 1045 та иш ўрни ташкил этилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустақамлигини ўн баробар оширади

Кармана туманидаги «Кармана Акмал» масъулияти чекланган жамиятида йўлак қопламалари ишлаб чиқариш бўйича энг сўнгги технологиялар жорий қилинди.

— Ўтган йили 240 миллион сўмлик кредит эвазига ушбу лойиҳани амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Аъзам Элмуродов. — Жорий йилдан 10 турдаги қурилиш ашёлари тайёрлашни бошладик. Натижада маҳсулот тури 20 дан ортди.

Этиборлиси, янги технология асосида маҳсулот таркибига қўшилаётган суяк кристалл бетон хом ашёсини шўрланишдан ҳимоялаш билан бирга, унинг мустақамлигини ҳам ўн баробар оширади.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чевар компьютерлар

Қарши шаҳридаги «Санам» масъулияти чекланган жамиятида тўлиқ автоматлаштирилган тикиш-бичиш мажмуаси ишга туширилди.

Бу ерга ўрнатилган «CAD Plotter» (Япония) ускунаси ҳамда замонавий электрон тикув дастгоҳлари хар қандай андозадаги либосларни тайёрлай олади.

— Бунинг учун компьютер орқали буйруқ берилса, кифоя, — дейди дизайнер Насиба Ниёзова. — У автоматик равишда топшириқни бажаришга киришади. Натижада кўл меҳнатига ҳоҳат ҳам қолмайди.

Таъкидлаш керакки, ушбу модернизациялаш тадбирлари энгил саноат корхоналарига берилган солиқ имтиёзлари, яъни тадбиркорлик субъекти ихтиёрида қолган 650 миллион сўм маблағ ҳисобига амалга оширилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

6,9
фоиз ошди.

Фермерлик ҳаракати ва қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш, айниқса, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, соҳага фан ва техника ютуқлари, замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича қўрилган тизимли чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Сиёсий партиялар сайловчилар имзоларини тўпламоқда

Сайловларнинг миллий сайлов қончилиги мувофиқ, демократик принциплар асосида, очиқ ва ошқора ҳамда юқори ташкилий даражада ўтказилишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, мамлакатимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим аҳамиятга эгадир.

САЙЛОВ — 2015

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида, хусусан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш борасидаги ишларга фуқароларимиз, айниқса,

ёшларимизнинг фаол муносабат билдираётгани эътиборга молик.

Сиёсий партиялар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга биноан Марказий сайлов комиссиясидан рўйхатга олин-

ганлик гувоҳномасини олганидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоларини тўплаш ишларига киришган.

Сайлов қончилиги

талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоёндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда).

Таклифлар ишлаб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Унда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи, парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида қонун чиқарувчи органнинг ўтган даврдаги фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, ҳали ишга солинмаган имкониятлар бўй-

ча устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, 2008 йилда Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаёт-

нинг ўзи тасдиқламоқда. Боиси сўнгги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи солиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фаол жалб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган 9 та Қонун, хусусан, «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Шу кунларда республикаимизда 2014 йил якунлари ва 2015 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди

НАМАНГАН

Вилоят ҳокими Б. Юсупов бошқарган йиғилишда қайд этилганидек, 2014 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ижобий ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 10,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,5, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 8,5, капитал қўйилмалар 34,3, қурилиш ишлари 11 фоиз ўсди. Айни чоғда барча манбалар ҳисобидан қарийб 1,6 триллион сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилиб, бир қатор истикболли лойиҳалар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида вилоятда 112 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Экспортчи корхоналар сафи кенгайиб, уларнинг жами сони 148 тага етди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йил давомида 180 та корхонада умумий қиймати 87,6 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилди, 4 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. 10 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича 2015 йил учун белгиланган дастур параметрларини бажариш юзасидан аниқ-чора тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда).



Юқори технологияларнинг катта имкониятлари

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ишлар самараси Навоий вилоятида ҳам кўзга яққол ташланаёпти. Айни пайтда воҳада 14 мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётгани, яқунланган йилнинг ўзида мақсадли дастурлар доирасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида улар томонидан газлама, шприц, иситиш батареяси, металл профнастил, гипсокартон, металл томёқчи, совуққичли ускуналар, лок-бўёқ каби ўнга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ана шундан далолат беради.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Индустриал зонада фаолият курсатадиган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳақида...

жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 7-8 баробар кўпайтиришидир. Маълумки, ҳар қандай корхона...

100 даража совуқдан 250 даража иссиққача дош бера олади. Махсулот сифати корхонами...



Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЖИЗЗАХ

Бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими С. Исмоилов таъкидлаганидек...

лотдаги улуши 79,9 фоизга етди.

Йиғилишда барча манбалар ҳисобидан бир триллион 27 миллиард сўмлик капитал...

Ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим камчиликлар, айниқса, Арнасой ва Зафаробод туманларида...

«Ангрен» МИЗ:

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

саноат тармоқлари раванқида алоҳида аҳамият касб этмоқда

пойтахтга кирмасдан мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ўтиш имконияти мавжудлиги сармоядорларнинг махсус индустриал зонага бўлган қизиқишини оширмоқда...

35 миллион 480 миң АҚШ долларлик «Ангрен қувур заводи» унитар корхонаси куриб битказилди. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти йилгига саккиз миң тонна турли ўлчамдаги мис қувурлар тайёрлаш қувватига эга...

ка касб-хунар коллежини тамомлади. Бугун «Egl-nur» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида меҳнат қилаяпти. Энг муҳими, бажараётган иши ўзига ҳар жиҳатдан маъқул.

ларга етказиб берилди. Бундан рухланган жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш курсаткиларини янада ошириш ниятида. Шу мақсадда ўттизга яқин корхона ва муассаса билан махсулот олди-сотдиси бўйича келишувларга эришилди.

«Ангрен» МИЗ дирекциясидан маълум қилишларича, жорий йилнинг дастлабки чораги якунигача бу ерда 4 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Жами 31 миллион АҚШ долларлик сармомани ўзлаштириш ҳисобидан халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун зарур махсулотлар тайёрланадиган мазкур корхоналарда 200 га яқин кўшимча иш ўрни ташкил қилинади.

биноси инвестиция қиритиш шартли билан «ноль» қийматда бизнинг корхонамизга берилди. Лойиҳавий қиймати 21 миллион АҚШ долларига тенг бўлган корхонамиз ишга тушган, қурилишда кенг фойдаланиладиган сирли керамика қосинлар тайёрлашни ўзлаштирмамиз.

Шу билан бирга, воҳода мукамал инфратузилма, транспорт-коммуникация тизими ҳам муттасил шаклланиб бораёпти. Ангрен ва Оқангарон шаҳарларида 2 километрдан ортиқ автомобиль йўли барпо этилди.

«Томчида қуёш акс этади», дейишади. Бинобарин, бугун «Ангрен» махсус индустриал зонаси тимсолида бир пайтлар иқтисодий бир елкама ривожланган, аграр республика, деб келинган мамлакатимиз бугун қандай юксак иқтисодий салоҳиятга эга замонавий давлатга айланиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



маслиги, кимёвий моддаларга, шунингдек, ҳар қандай ҳарорат ва ташқи таъсирларга чидамлилиги билан муқобилларидан устун туради, — дейди смена устаси Бекзод Газиёв.

мос келадиган ушбу ёритиш мосламалари электр қувватини юқори даражада тежаси билан диққатга сазовордир.

Утган йили бу ерда қарий бир миллиард сўмлик махсулот тайёрланиб, маҳаллий буюртмачи-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда сиёсий партиялар мазмури-хуудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида имзолар умумий иқтидорининг қўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

маданияти янада ошгани, жамиятда кечаётган ислохотлардан кенг хабардорлиги, одамларнинг партиямиз дастурий мақсадларига катта қизиқиш билдираётгани яққол намён бўлмоқда.

сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам атрофича тушунтириляпти. Сайлов жараёнининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланган сайловчилар имзоларини тўплаш ишлари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ҳам қўнун талабларига мувофиқ

тўплаш жараёнига масъулия билан ёндашиляпти. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрилган имзоларини тўплаш ишлари ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ҳам қўнун талабларига мувофиқ

Таклифлар ишлаб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда маъруза Экоҳаракат депутатлари гуруҳини ўз ишига янада катта масъулия билан ёндашишга, кенг қамровли фаолият юритишга ундовчи муҳим дастуриламал эканлигига катта аҳамият берилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда маъруза Экоҳаракат депутатлари гуруҳини ўз ишига янада катта масъулия билан ёндашишга, кенг қамровли фаолият юритишга ундовчи муҳим дастуриламал эканлигига катта аҳамият берилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Самиджон МАХСУМОВ.

Сиёсий партиялар сайловчилар имзоларини тўпламоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрилган имзоларини тўплаш ишлари қизгин кечмоқда.

қўрилган имзоларини тўплаш ишлари қизгин кечмоқда. Партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари имзо варақаларини қўнунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, бунда ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир.

тарзда олиб борилмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар имзоларини тўплаш учун имзо варақалари берилганидан сўнг партиянинг барча бўғиндаги ташкилотларида бу борадаги ишлар бошлаб юборилган, — дейди партия Марказий кенгаши девоғни бош мутахассиси Илҳом Расулов.

қўрилган имзоларини тўплаш ишлари қизгин кечмоқда. Партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари имзо варақаларини қўнунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, бунда ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир.

Инсонпарварлик тамойили устувор

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида жиноят процессида ҳусусий айблов институтининг ўрни ва уни такомиллаштириш истиқболлари масаласига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

ТАДБИР

Унда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигининг тегишли босқамчалари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хуудий тузилмалари, Тошкент давлат юридик университети вақиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

га асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади» деб белгиланган бўлиб, ушбу нормани жиноят ва жиноят-процессуал муносабатларда кенг ифода этиш мақсадида 2012 йилнинг 5 январига ва 29 декабрида қабул қилинган қўнунлар билан Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасига тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди.

хуқуқий макomini янада мустаҳкамлаш имконияти яратилди. — Конференцияда Жиноят-процессуал кодекси 325-моддасини қўллаш жараёнида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айблов институтини қўллаш доирасини кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олдик, — дейди юридик фанлар доктори Г. Тулаганова.

қўрилган имзоларини тўплаш ишлари қизгин кечмоқда. Партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари имзо варақаларини қўнунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, бунда ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир.

Зокир ХУДОШҲУҚУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЕМИНАР

Пойтахтимизда илмий тадқиқот ишларини халқаро талаблар даражасида ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштиришнинг замонавий услубларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Фан тараққиёти ва халқаро тажриба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси, Буюк Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда тегишли ташкилот ҳамда муассасалар вакиллари, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрталари олимлари, тадқиқотчилар, хорижий экспертлар қатнашди.

фаолияти тубдан яхшиланиб, уларда ҳар томонлама билимли ва истеъдодли ёшлар излашлар олиб бормоқда. Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янги bosқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

бир bosқичли тизими жорий этилди. Бунинг самараси ўларок, бугунги кунда ёш олимларимиз эришаётган ютуқлар ишлаб чиқариш жараёнига изчил татбиқ қилиб келинаётди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Маънавиятимиз хазинаси

Хоразм вилоятида музейлар фаолияти, уларнинг ривожланиш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

АНЖУМАН



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекмузей" жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва "Ичан-Қалъа" давлат музей-қўриқхонаси билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, санъат йўналишидаги олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, шунингдек, музейлар раҳбарлари иштирок этди.

йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўтган йиллар давомида мавжуд музейларнинг деярли барчаси замонавий қулайликларга эга янги биноларда фаолият кўрсата бошлади. Қолаверса, уларнинг асарияти илгор техник жиҳозлар билан таъминланди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Экологик барқарорлик, биологик ранг-барангликни таъминлашда сув-ботқоқли ҳудудлар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, бундай табиат ландшафтлари қушлар, сув жониворлари ва ўсимликларнинг кўпайиши учун жуда қулайдир.



Экологик барқарорликни сақлашнинг муҳим омиллари

Жумладан, дунё экологлари ҳар йили 2 февраль санасини "Жаҳон сув-ботқоқли ҳудудлар куни" сифатида кенг нишонлаб келмоқда. Бунга 1971 йилда Касбий денгизининг жанубий қирғоғида жойлашган Рамсар шаҳрида асос солинган.

Гап шундаки, ўша йили бу ерда халқаро аҳамиятга молик бўлган, асосан, сувда сузувчи қушлар яшовчи сув-ботқоқли ҳудудлар муҳофазасига қаратилган Конвенция имзоланган эди.

қўллар тизими ушбу рўйхатга киритилгани диққатга сазовордир. — Ўзбекистонда Рамсар Конвенциясининг миллий координатори Табиати муҳофазаси бўлиши давлат кўмитасидир, — дейди мазкур кўмита раисининг ўринбосари Камолддин Содиқов.



2007 йилда Ўзбекистон Қушларни муҳофазаси қилиш жамияти ташкил этилгани, айниқса, мамлакатимиз орнитофаунасини чуқур тадқиқ қилиш, хусусан, сувда сузувчи қушлар мониторингини олиб бориш имконини берди.

— Республикаимиздаги 14 та муҳим орнитологик ҳудудда қуз, киш ва баҳор пайтларида мунтазам равишда мониторинг ишларини олиб бораёلمиз, — дейди мазкур жамият раҳбари Роман Кашкаров.

Республикаимизда табиий сув-ботқоқли ҳудудлар таснифиса қилинган кўп қатлам, қўллар ва ирригация тизимлари мавжуд. Шу билан бирга, 53 та сув омбори бунёд этилган бўлиб, уларнинг умумий сув ҳажми 19,4 миллиард куб метрга тенг.

йили юртимизга 4 миллиондан зиёд сувда сузувчи қушлар учиб келишини кўрсатмоқда. Улар табиий қўллар атрофида ин қуриб, полапон очади ва яна бошқа ўлкаларга учиб кетади.

Юртимиз сув ҳавзалари ландшафт-географик хусусиятига қўра, ўта ноёб бўлиб, ўз бағрига қамаб бораётган паррандаларни тобора кўпроқ жалб этмоқда. Айни пайтда уларнинг Халқаро ва Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган 20 дан зиёд турини учратиш мумкин.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 18 февраль куни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси bosқичма-bosқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

Тиббиёт марказининг янги биноси Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 4 миллиард 57 миллион сўм йўналтирилди.

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ичхам, қулай ва камҳаражатли мотокультиваторлари тавсия қилади.

«Қибрай» клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Хурматли ёшлар ва азиз ота-оналар! НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ 2015/2016 ўқув йилида абитуриентларни олий таълим муассасаларига кириш тест синовларига ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили, математика, физика, биология ва кимё фанларидан чуқурлаштирилган тайёрлов курсларида ўқишга таклиф этади!

АБАДИЯТ ГУЛШАНИ: XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошида Навий асарлари италян тилида 4 марта, немис тилида 5 марта chop этилган.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 810 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Холматова. Мусахҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5